



Ўтган асрнинг тўксонинчى йиллари бошида Алишер Навоийнинг таваллуд куни муносабати билан ёзилган бир маколани «Улуг Ислом шоири ва мутафаккири Алишер Навоий...» деб бошлаганим бир адабиётшунос дўстимга маъкул келмай, «Канакасига Навоий Ислом шоири бўларкан, ахир у бир умр шайх ва козиларни танкид килиб шеър ёзган-ку!» деб эътиroz билдирган эди. Унга «Алишер Навоий хазратлари энг аввало Ислом шоиридирлар, чунки у кишининг деярли хар бир асарида Куръони карим оятлари ёки хадиси шариф маъноларини ўкиш мумкин, дин таълимотларидан чекинган бир-икки козини танкид килиш билан одам даҳрийга чикиб колмайди», деб тушунтирмокчи бўлдим. Аммо асосан худосиз тузум тарбиясини олган дўстим бу нарсани миясига сигдира олмас, нукул «Навоий каёқдаю Ислом каёқда?» деб таажжубга тушар эди.

Мана бу воеани эса устозимиз кейинрок сўзлаб берган эдилар: «Мустакилликнинг илк йиллари эди. Эллик йиллик айрилиқдан сўнг хориждаги бир ватандошимиз она юртига илк бор ташриф буюрди. Она тилини унутмай, аслича саклаб келаётган меҳмон билан сухбатлашиб ўтирас эдик. Шу пайт радио оркали Кодир Максумов ижросида мумтоз газаллардан эшиттира бошлишди. Гал Алишер Навоий газалларига келди. Навоий байтларини эътибор билан тинглаб турган ватандошимиз «Бу Навоий хазратлари байтларини факат Куръон оятлари ва хадиси шарифларга таяниб ёзган эканлар-ку!» деб юборди.

Аслида, адабиётшунос дўстимни жохилликда ёки билимсизликда айблашга хакким йўк: сабаби, худосиз тузум даврида яшаган кўпчиликнинг онги ва дунёкарашига «Навоий диний таълимотларга карши курашган, у рухонийлар, кози, сўфи, шайх кабиларни аёвсиз танкид килган» каби тумтарок гоялар зўрлаб сингдириб юборилган эди. Сўзимиз курук бўлмаслиги учун бир-икки иктибос келтириш билан кифояланамиз. «Шу билан бирга зулм ва истибдоддан нолиш,adolatcizlik ва insofisizlikни коралаш, разолат ва жаҳолатни фош этиб, бадбин ёки хийлакор шайх-зоҳидларни танкид килиш ва бошкалар Навоий лирикасидаги масалалар силсиласини ташкил этади» (Н. Маллаев, «Гениал шоир ва мутафаккир», Тошкент, «Фан», 1968, 17-бет). Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» (Куштили) асари хакида фикр юритган бошка бир танкидчи шундай ёзади: «Лекин асарда мистицизм элементлари хам мавжуд бўлиб, улар Навоий дунёкарашидаги баъзи идеалистик томонлар билан изохланади. Булар – дунёнинг пайдо бўлиши хакидаги тасаввуфий концепциянинг берилишида, Одам ва Хаво тарихининг тилга олинишида, меъроj тарихи, Мухаммад пайгамбарнинг фалак гумбазлари ва самовий буржлардан ўтиш (!) тафсилотлари баёнида яккол кўзга ташланади. Буларга карамай, «Лисонут-тайр» Навоий ижодида, колаверса, бутун ўзбек адабиёти тарихида мустасно ўрин эгаллайди» (Алишер Навоий, «Лисонут-тайр» (сўзбоши), Тошкент, Гафур Гулом нашриёти, 1984, 9-бет).

Бундай ўринсиз маломатларга карамай, мен хазрати Навоийни барибир Ислом шоири деб атагим келаверади. Чунки бунга бир канча асосларим бор. Келинг, хаммасини бир бошдан сўзлайлик.

Алишер Навоийнинг бирор эътиборли асари йўкки, у Аллох таолога хамду сано, Пайгамбаримиз Мухаммад Мустафога саловоту дурудлар билан бошланмаган бўлсин. Шоирнинг Пайгамбаримиз Мухаммад соллалпоҳу алайхи васалламга багишлиланган наътларининг ўзи алоҳида бир китоб бўлган. Бундан ташкари, унинг шеър ва газалларида Куръони карим оятлари ва хадиси шарифлар оркали инсонлар тавхидга, имонга, таквога, инсоғ ва адолатга чакирилган. Шоир асарларининг хар сатрида амри маъруф (яхшиликка чакириш), нахий мункар (ёмонликдан кайтариш) маънолари уфуриб турибди. Фикримиз далили учун ёш олимларимиздан Хусайнхон Яхё каламига мансуб «Бобом сўзини тушунгим келар» сарлавҳали маколадан парча келтирайлик: «Хазойинул-маъоний»нинг биринчи газалида Навоий шундай дейди:

Гайр накшидин кўнгил жомида бўлса занги гам,
Йўктур, эй сокий, майи вахдат масаллик гамзудо.

Бу байт анчагина равшан: гайр – Аллоҳдан ўзга барча нарса; кўнгил жоми – калб ойинаси, унда Аллоҳ таолонинг нури тажаллий килади; гам – монеълик, тўсик; сокий – муршиди комил, инсонларга руҳий тарбия берувчи устоз; майи вахдат – тавхид завки. Энди байтни мазкур истилоҳлар асосида насрый баён килиб кўрамиз: «Эй муршид! Калб ойинасида унга Аллоҳ таоло томонидан етадиган нурнинг акс этишини тўсадиган занг, яъни Аллоҳдан бошка бирор нарсанинг накши – таъсири бўлса, тавхид завкичалик уни аритувчи, тозаловчи нарса – «гамзудо» топилмайди».

«Тавхид» деганда калб тубидан Аллоҳ таолони барча жихатдан ягона, мутлак танҳо деб эътиқод килиш, факат Аллоҳни риоя килиш, факат уни ўйлаш назарда тутилади. Шунингдек, «ваҳдат майи» деганда тавхид калимасини хам тушуниш мумкин. Хазрат Навоий ўзининг айтган сўзларини максаддан бурадиган, нотўгри талкин киладиган кишилар хам унинг асарларини ўкиб, ташвик килишлари мумкинлигини сезгани учун девонининг энг биринчи газалидаёқ бу нуктага алоҳида танбех бериб кўйган. Юкорида биз биргина байтини ўкиб ўтган «Ашракат» деб бошланувчи газалида яна шундай байт бор:

Сен гумон килгандин ўзга жому май мавжуд эрур,
Билмайин нафй этма бу майхона ахлин, зоҳидо.

«Эй тасаввуф ахлининг истилоҳларидан беҳабар зоҳирпаст! Сен ўйлаётган масть килувчи, аклни кетказувчи, инсонни хор килувчи шароб ва ўша харом нарса куйиладиган

идишдан бошка хам шартли равища «жом» ва «май» бор. Бу майхонани – орифларнинг ботиний олами вакилларини (ёки муршид хонакоси ахлинини) билмасдан инкор килиб юрма!» Хулоса килиб айтганда, Навоийни тушуниш учун Навоий билган ва фойдаланган билимларни, яъни Куръон, Суннат, шариат, тарикат, тасаввуф ва бошка илмларни билиш, ўрганиш керак бўлади. Ўрганганда хам асл манбалардан ўрганиш даркор. Бунинг учун, албатта, ўша давр Ислом оламида илмий муомалада бўлган тилларни яхши ўзлаштириб, манбаларни бегоналарнинг таржима ёки тавсифлари асосида эмас, асл холатида ўрганиш талаб килинади. Бинобарин, навоийшунос бўлишни истаган киши аввало Ислом олими, тасаввуф билимдони бўлиши, бу илмларни билибина кўймай, уларни ўз хаётида татбик этиб, зикр килинган даражаларни ўзида жорий килган бўлиши лозим. Шундагина у Навоийни тўла тушунган, у кишининг шахсиятини тўгри англаған, сўзларини яхши хис килган бўлади. Менимча, бугунги навоийшуносликнинг олдида турган энг катта муаммолардан бири шу бўлса, ажаб эмас».

Алишер Навоий Куръон хофизи бўлгани учун газалларида Куръон оятларини кўплаб келтиради. Мисол тарикасида «Гаройибус-сигар»дан биргина байтни келтириш кифоя:

Дўст чун жон ичрадир, кўй «нахну акраб» сўзини,
Тут бўюн баским, якинрок келди «мин хаблил-варид».

Ушбу байтдаги кўштиrnокка олинган жумлалар Куръони каримдаги Коф сурасининг 16-ояти мазмунига ишора килинган бўлиб, оятнинг маъно таржимаси куйидагича: «Дарҳакикат, Биз инсонни Ўзимиз яратдик ва нафси уни нималарга власваса килишини биламиз ва Биз унга жонтомиридан хам якинмиз». Шоир асарларини шарҳлашда бу нозик масала хисобга олинмаса, максадга эришиш душвор.

Алишер Навоий «Хайратул-аброр» асарининг иккинчи маколотида Ислом дини хакидаги фикрларини шундай баён этади:

Оlam аро халкни Йазданои пок,
Ахли нажот эттийу ахли халок.
Бу бирисин обиди асном бил,
Ул бирисин зумрайи Ислом бил.
Куфр эли йўл топти маломат сари,
Зумрайи Ислом саломат сари.
Ул бирига вайл эви бўлди маком,
Зумрайи Исломга дорус-салом.

Яъни, барча нуксонлардан пок Тангри таоло дунёдаги халкларни яратиб, уларнинг бир тоифасини нажот топувчи, бошкасини халок бўлувчи килди. Уларнинг халокатга юз

тутганлари бут-санамларга сигинувчилардир, нажот топувчилари эса Ислом жамоасидагилардир. Куфр эли залолатга ботиб, хак йўлдан адашди, Исломдагилар эса омонликка эришишди. Уларнинг бири надомат «ох-вой»ига мубтало бўлди, Исломни танлаганлар эса Доруссаломга (омонлик диёрига) эга бўлди.

Алишер Навоий рубоийларидан бирида Аллоҳ таолога шундай илтижо килади:

Ё Рабки, инояtingни ёр айла менга,
Йўклукка хидояtingни ёр айла менга.
Хар кахфи кифояtingни дор айла менга,
Хар дурри инояting нисор айла менга.
Бошка бир рубоийда эса куйидаги сатрларни ўкиймиз:
Оlam эли ичра гар гадо, гар шоҳ эрур,
Не дардки, ул кўнгли аро хамроҳ эрур.
Куръонни тиловат этсун ар огоҳ эрур,
Эл кўнглига чун даво Каломуллоҳ эрур.

Алишер Навоий асарлари орасида тўлалигича Ислом динига багишланганлари хам талайгина. Булардан «Арбаъин» Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламнинг кирк хадислари назмий шархи бўлса, «Сирожул-муслимийн» Аллоҳ таолонинг сифатлари, Ислом динининг асослари ва арконлари баёнига багишланган. Шоирнинг яна бир асари «Насойимул-мухабbat мин шамойимил-футувват»да эса дунёнинг турли мантакаларида яшаб ўтган 770 авлиёнинг хаёти ва доно фикрларига оид кимматли маълумотлар жамланган. Навоийнинг машхур «Муножот» асари Аллоҳ таолога килинган ёлбориш, илтижо-муножотларнинг энг аълосидир.

Шоирнинг «Ситтаи зарурия» касидалар тўпламидаги «Рухул-кудс» касидасида хам Аллоҳ таолонинг зотий ва феълий сифатлари васф этилади. Шоирнинг ёзишича, борлик ва ундаги бутун мавжудотни факат Аллоҳ яратган. Бунда Унга бирор жонзот шерик бўла олмайди, Унинг яратганини ўзгартира олмайди. Хамма нарса Унинг кудрати илохийси яралади, кудрати билан бордан йўқ бўлади. Кучлиларни маҳв этувчи хам, заиф, кучсизларга куч берувчи хам Аллохнинг Ўзидир.

Якин ўтмишда Навоийнинг ижоди бир ёқда колиб, унинг хатто хасби холи хам дахрий тузум колипига солинган эди. Барча асарларда шоирнинг таваллуд ва вафот этган йиллари милодий сана билан бериларди. Аммо шўро тузумидан олдинги асарларда шоир хаёти ва эътиқодий карашлари хакида хеч нарса яширмай очик ёзилган. Шўро тузуми кулаганидан кейин хам айrim инсофли олимлар бу борадаги бор хакикатни ёзишди. Бу мавзудаги энг мўътабар асарлардан бири шоирнинг шогирди, улуг тарихчи Гиёсуддин Хондамирнинг «Макоримул-ахлок» асаридир. Асарнинг бир неча сахифаларида Навоийнинг хаёти, диёнати ва диний карашлари ўз ифодасини топган. Китобнинг илк сахифаларида шундай дейилган: «...Султон хазратларининг якини Алишер Навоий рамазон ойининг ўн еттинчисида, сана саккиз юз кирк тўрт – товук йилида йўклик дунёсидан борлик оламига кадам кўйиб, ўзининг жамоли ва порлок чехраси бирла Ер юзини ёритди» Жадид танқидчилардан Вадуд Махмуднинг маълумотига кўра,

шоирнинг «вафоти 906 хижрий зулхижжа ойидадир. Кабри Хиротда, ўзи солгон жомеънинг сахнидадир. Умри олтмиш иккидир»

Тарихчиларнинг гувохлик беришларича, Алишерни тўрт ёшида бошлангич мактабга беришади. Ўша давр таомилига кўра у хам асосан диний таълим олади. Замон алгов-далговларида унинг оиласи хали Ирок, хали Хурросон ўлкаларига кўчишга мажбур бўлса-да, у киска вакт ичидаги араб, форс тилларини пухта ўрганиб олади.

Муаррихларнинг ёзишларича, ёш Алишер етти (баъзи манбаларда тўккиз) ёшида Куръони каримни тўла ёд олган. Худди ўша йиллари тасаввуфга кизикиб, Фаририддин Атторнинг машхур фалсафий асари «Мантикут-тайр»ни хам ёдлаган.

Шундан сўнг Алишер Навоий Самарканнада мадрасада тахсил олган, унда эса асосан тафсир, хадис, фикх, калом каби диний илмлар ўқитилган. Пўлотжон Домулла Кайюмийнинг «Тазкираи Кайюмий» асарида бундай ёзилган:»1446 нчи йилда Алишерни Самарканнад шахрига сургун килинди. Алишер Мадрасаси Улугбекда туриб, ўшал замоннинг машхур олими, машхур мударрис мавлоно Абул Лайс Самарканнадан фан (ilm) ўргана бошлади» (11-бет). Таникли мунаккид Вадуд Махмуд «Алишер Навоий» маколасида бундай ёзади: «Алишер 17 ёшда экан, (Абулкосим) Бобир ўлгандан сўнг диний ва илохий илмлар ўрганмак истади... Мовароуннахрнинг маркази Самарканнада келиб, Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абуллайнинг мадрасасига кўнди. Бу Хожа «усуул-фикх»да шундай мохир уста эдики...» (Вадуд Махмуд, «Танланган асарлар», Тошкент, «Маънавият», 2007, 30-бет). Филология фанлари доктори профессор Исматулла Абдуллаев эса бу фикрни давом эттириб, шундай ёзади: «Алишер Навоий 28 ёшида Куръон, хадис ва бошка диний билимларни пухта ўрганиб, араб, форс тиллари ва адабиётини, Ислом давлатлари тарихини мукаммал эгаллаган» (И. Абдуллаев, «Марказий Осиёда Ислом маданияти», Тошкент, «Шарқ», 2005, 194-бет).

Академик Алийбег Рустамий хазрат Навоийнинг эътиқоди хакида ушбу сатрларни битадилар: «Хазрати Навоийнинг диёнати хамма замон, хамма маконнинг хамма халклари, айникса мусулмонлар учун ўрнақдир. У ислом ибодатиу муомаласи, ахлоку одобига аъло даражада амал килди, ўзини бутунлай мамлакат тараккийси ва эл хизматига багишлади. Шунинг учун унга «Низомиддин» лакаби берилди» (Алийбег Рустамий, «Хазрати Навоийнинг эътиқоди», Тошкент, 2010, 4-бет).

Хондамирнинг «Макоримул-ахлок»ида Мир Алишер Навоий хазратларининг нихоятда художўй бўлган, Ислом дини арконларига оғишмай амал килган, юртда дин равнаки йўлида катта ишлар олиб борган, тасаввуфнинг йирик билимдони бўлган, ўз асарларида Ислом динига асос бўлган Куръони карим оятларига ва хадиси шарифларга жуда кўп мурожаат килган том маънодаги мусулмон бўлганлари зикр этилади:

«...Бу обидлар ва бандалар панохининг жумъа намозини ва бошка намозларни жамоат билан ўташда гайрати шу даражага етган эдики, Марганий богида гоятда зийнатли бир масjid бино килиб, ўз замонининг атокли кориларидан Хожа Хофиз Мухаммад Султоншохни имом белгилади ва ўзи у ерда беш вакт намозга хозир бўларди» («Макоримул-ахлок», Порсо Шамсиев нашри, 42-бет). Шунингдек, ушбу асарда Алишер Навоийнинг Хиротдаги Жомеъ масжидини кайтадан таъмирлаш ишига бош-кош бўлгани, бунинг учун шахсий жамгармасидан катта маблаг ва хадялар сарфлагани, бундан ташкари мамлакатнинг турли шахар-кишлоларида Мирзо Алоуддавла масжида, Мир Одил масжиди, «Боги Зогон», Сарахс ва Астробод жомеъ масжидлари каби йигирмадан зиёд масжид курдиргани, Хиротда «Ихлосия» мадрасаси, дарвешлар учун «Халосия» хонакохи, «Шифохия» беморхонаси, «Дорул-хуффоз» (корихона) хам барпо эттиргани

накл килинади.

Яна «Макоримул-ахлок»ка мурожаат киламиз: «Рамазон ойида олиймакон Амир хайрот ва садаканинг микдорини имкон борича ортиришга тиришарди. Одатий шилонда кўй ва унинг керак – ярогини кўпайтирарди. Хар кечаси улуг саййидлар, замона олимлари, олий мартабали амирлар ва баланд даражали садрлардан кўпгина киши Амир хузурида ифтор килишарди. Ул хазрат меҳмонларни риоя килиб, овкатни ўзлари тортарди.

Шундан кейин таом ейишга кўл узатарди» (ўша асар, 49-бет).

Хар бир сатридан художўйлиги, такводорлиги беш кўлдай аён бўлиб турган шоирни тинмай дахрийга чикариш, уни дин душмани әтиб сифатлаш кимга керак бўлган? Бунинг асл сабаларини шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф хазратлари маколаларидан бирида шундай таъкидлайдилар: «Юртимизда коммунистик мафкура расман ва очик-ойдин хокимлик килиб турган пайтда Ислом динига, юртимиз тарихига нисбатан факат салбий фикрлар ёзилар ва айтилар эди. Шунингдек, тарихий шахсларга баҳо беришда хам алоҳида ўлчов бор эди. Ўтган азизларимиздан ким динга якиндан боғлик бўлса, у колок, золим, эзувчи синф, реаксионер ёки бошка салбий сифатлар билан сифатланар эди. Баъзи шахслар эса, аввал динсиз килиб олиниб, сўнгра маълум чегарада ижобий сифатлар билан баҳоланаар эдилар. Бундай шахслар каторига Алишер Навоий, Ибн Сино, Фаробий, Улугбеклар киритилган» («Жамият кўксига урилган заҳарли ханжар» китоби, 51-бет).

Таникли навоийшунос олим, филология фанлари доктори профессор Абдуқодир Хайитметов бундай ёзади: «Бирок каријб бир ярим аср давом этган мустамлакачилик даврида, ай-никса шўро тузуми даврида маданий меросимизни халкимизга ёт мафкура колипига солиб талкин килишга уринишлар бўлди. Бу ходиса Алишер Навоий ижодига муносабатда хам ўз ифодасини топди. Уни йўксилларнинг дўсти, мулкдорларнинг мухолифи килиб таърифлашга интилишди. Жаҳон адабиётининг дурдонаси бўлган асарларидаги (мас. «Хайратул-аброр» достонидаги) ажойиб боблар кискартириб нашр этилди. Алишер Навоийнинг хаёти ва ижоди Аллохга имон келтирган, Куръони каримдаги хар бир оятни муқаддас деб билган, накшбандия тарикатини кабул килган адаб ва мутафаккирнинг хаёти ва ижодидир. Унинг ижоди мохиятини англаб етмок учун дин тарихини яхши билган, Куръони каримни ўқиб, маъносини англаб етган киши бўлиш керак. Шўро тузумида эса диний илмларни тарғиб килиш таъкиланди. Шу боис, гарчи навоийшунос олимлар шоир ижодини тарғиб килиш бўйича анча ишлар килган бўлсалар хам, Алишер Навоий ижоди кўпчилик китобхонлар учун тушунарсиз бўлиб колди» («Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси», 1-жилд, «ЎзМЭ», Тошкент, 2000 йил, 224-бет).

Сўзимиз нихоясида шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф хазратларининг «Ўлкамиз бадиий адабиёти хакида ўйлар» маколаларидан бир иктибос келтирмокчиман. «Бундан бир неча йил муқаддам ўзбек каламкашларидан бирининг маколаси менга каттиқ таъсир килди. Маколанинг бадиий адабиётга аталган кисмида «Ўзбек адабиётидаги исломий шуурни совет давридагидан олдинги адабиётда ва Абдулла Кодирий хамда Чўлпоннинг баъзи асарларидагина кўриш мумкин», деган фикр олга сурилади. Ўзини кадимдан мусулмон санаб келаётган катта бир миллат учун бу мусибат эмасми? Бу – сўз мулкининг сultonи бўлган Алишер Навоий, Захириддин Мухаммад Бобур, Мавлоно Лутфий, Саккокий каби улуг адаб ва шоирларни етиштирган халк учун ор-номус эмасми?» Ачинарлиси шуки, исломий шуур кейинги давр адабиётида хам кўринмаётгани у ёқда колиб, хатто чин мусулмон шоирларга дахрийлик тамгасини уришдан хамон воз кеча олмаётганимиз ажабланарли. Окни ок, корани кора аташ, олдинги хатоларни тузатиш

пайти келмадимикин?

Менимча, Низомиддин Мир Алишер Навоий хазратларининг улуг Ислом шоири эканларига юкорида зикр этилган фикр ва далилларнинг ўзи етарли бўлса керак. Агар булар хам «динга карши шеър ёзган», «рухонийларни танқид килган», «Навоий билан Ислом ўртасида хеч кандай якинлик йўк» деб маломат тошларини отишдан зерикмаган кимсаларнинг ўртанган юракларини совута олмаган бўлса, бироз сабр килишсин. Навоийнинг хаёти ва ижодига янгича караш ва талкинлар, бу борадаги илмий тадқикотлар хали олдинда турибди. Иншааллоҳ, хали ростгўй, инсофли олимларимиз улуг Навоийни дахрийлик замони зўрлаб пуркаган кирлардан тозалаб, унинг хакикий гояларини очиб берувчи гўзал илмий ишлар билан ўкувчиларни севинтиражаклар!

Ахмад МУХАММАД